

ТОШКЕНТ

Оқшомчи

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1986 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 229 (6.718)

1988 йил 6 октябрь, пайшанба

Баҳоси 3 тийин

КПСС Марказий Комитети Сийсий бюросида

КПСС Марказий Комитетининг Сийсий бюроси 3 октябрь куни бўлиб ўтган мажлисида КПСС Марказий Комитети 1988 йил сентябрь Пленумининг қарорларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган биринчи галдаги масалаларни кўриб чиқди.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг партия авангардлик ролини оширишга ва қайта қуришни янада чуқурлаштиришга қаратилган йўл-йўриқларини турмушга татиқ этиш йўлидаги қонуний қадам бўлганлиги қайд этилди. Партия, СССР Олий Совети йўли билан, айниқса СССР Министрлар Совети ва унинг доимий органлари йўли билан қайта қуриш сийсатини амалга ошириш учун контролни кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Сийсий бюро мажлисида партия аппаратыни шакллантириш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Унинг иши КПССнинг жамият сийсий авангарди сифатидаги ролини ошириш вазифасига муносиб бўлиши кераклиги таъкидланди. Партия аппаратынинг фаолиятида маҳкамачилик ва маҳаллийчилик ёндашувига йўл қўймаслик мўҳимдир.

Шу масалаларнинг ҳаммаси юзасидан Марказий Комитетнинг Сийсий бюроси конкрет топшириқлар берди.

Мажлисида КПСС Марказий Комитетининг партия аграр сийсати масалаларига бағишланган Пленумга қандай тайёргарлик кўриладиганлиги муҳокама қилинди. Мамлакат агроаноат комплексидида иқтисодий муносабатларни ва бошқарувни тубдан қайта қуриш, қишлоқни социал жихатдан янада ривожлантириш, агроаноат соҳасида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ҳамда кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни такомиллаштириш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқиш ҳақида топшириқлар берилди.

XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси КПСС сийсатининг ошқора характерини кучайтириш, унинг омма билан алоқасини мустаҳкамлаш мақсадида партия раҳбар органларининг ишидан мамлакат коммунистларини, бутун аҳолисини батафсил хабардор қилиб туриш зарур деб топганлиги маълум. Шу муносабат билан КПСС Марказий Комитетининг Сийсий бюроси «Известия ЦК

КПСС» («КПСС Марказий Комитетининг ахбороти») ахборот журналини нашр этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Унда партия олий органларининг қарорларини, партия ва жамоат турмушига оид йирик масалалар юзасидан кенг муҳокамага қўйилган қарорларнинг лойиҳаларини расмий равишда эълон қилиш назарда тутилди. Марказий Комитетнинг, унинг раҳбар органлари ва аппаратынинг қундалик фаолияти ҳақида жамоатчиликни мунтазам хабардор қилиб туриш, КПСС Марказий Комитетидидаги энг мўҳим мажлислар, кенгашлар ва учрашувларнинг стенограммаларини, партия ходимларини сайлаш ва тасдиқлаш ҳақидаги маълумотларни, уларнинг таржimai ҳолини, маҳаллий партия ташкилотлари фаолияти хроникасини эълон қилиб бориш ҳам кўзда тутилмоқда. Журналда партия архивларидан олинган материалларни босиб чиқариш мўҳимдир.

СССР Министрлар Советининг расмий органи тарзида «Правительственный вестник» («Хукумат ахбороти») газетасини нашр этиш тўғрисидаги тақлиф қўйлаб қувватланди. Газета ҳукуматнинг иқтисодий, социал ва маданий сийсатини амалга ошириш соҳасидаги фаолияти ҳақида мамлакатда қайта қуришни рўйбга чиқариш билан боғлиқ бўлган актуал муаммолар тўғрисида жамоатчиликни мунтазам хабардор қилиб боради. «Вестник»да статистика ва социология тадиқотларининг қабул этилган қарорлар қандай амалга оширилганлиги билан боғлиқ бўлган маълумотларни тақлифий обзорларини, оммавий ахборот воситаларининг тадиқотий материаллари ва меҳнаткашларнинг хатлари юзасидан ҳукумат органлари кўрган чоралар ҳақидаги хабарларни эълон қилиш белгиланди.

Мажлисида «Известия ЦК КПСС» ва «Правительственный вестник»нинг нашр этилиши партиянинг жамият сийсий сийсатининг демократизмининг чуқурлаштиришга қаратилган йўлига мос бўлиб тушади, партия ва давлат турмуши соҳасидаги ошқораликни кенгайтиришга қўмаклашади, деб таъкидланди.

КПСС Марказий Комитетининг Сийсий бюроси партия ички ва ташқи сийсатининг бошқа баъзи масалаларини ҳам кўриб чиқди.

ЗАМОНДОШИМИЗ

Эртага—СССР Конституцияси куни



Қ О М У С

Фахрия

Қўлимизда нурга йўрилган, Бахтимизнинг олтин китоби. Қонли курашларда туғилган, Қон билан ёзилган ҳар боби. Бир инсондек бул китобни ҳам Босиб ўтган йўллари йироқ. Шу қомус деб тунлар

Лениннинг Хонасида ўчмаган чирок. Шу қомус деб ота-боболар Жангда тўккан қизил қонини. Шу қомус деб Павел, Лазолар Фидо этди ширин жонини. Шу қомус деб халқим мардона Ошган қанча-қанчалаб доvon.

Қомис эмас, у мисли қуёш, Рўёб топган асрлик армон. Озод яша, дея аждодлар, Тутди уни қўлларимизга... Бахту иқбол, ёруғ истикбол Нур тўшади йўлларимизга. Азиз ўртоқ, варақларига, Туширмайлик зарра бўлсин доғ!

Ёруғ қунлар пештоқларига Бахт қомусин этайлик байроқ! Олам билсин бугун қандайин, Ҳақ-ҳуқуқлар бизга ёрлигин! Улуғ совет оиласининг Абдиан барқарорлигин!

Темур УБАЙДУЛЛО.

Ҳар ишда барчага ўрнак

Ҳаракатчан, масалаларни принципал ҳал қиладиган, айни пайтда хушмуомала, ҳар бир кишининг дилидагини топадиган комсомол қиз у. Ана шу тоғирлиги, куюнчакилиги тудайли у барчаннинг ҳурматиға сазовор бўлган.

Кишига шуҳрат ўз-ўзидан келмайди. Зулфия Қаюмова қорхонаға ишға келганда жуда ёш эди. Тажрибали ишчиларнинг ғамхўрлигида касб сирларини тезда ўрганиб олди. Ҳаракатчан қиз ишлаб чиқариш топшириқларини ортини билан бажаришға эришмоқда. У жамоат ишларини бажаришға ҳам вақт топади. Цехдаги қўл меҳнати талаб қилинаётган иш жараёнларини такомиллаштириш устида ўйлайди. Бунда технолог-инженерлар унга яқиндан ёрдам беришади.


Йиллар ўтиши билан Зулфия Қаюмованинг Тошкент тажриба пиллакашлик фабрикаси ишчилари ўртасида обрўси ошиб борди. У илғор ишчи бўлиб етишди.

У ҳаммаша ишчиларнинг оғирини енгил қилиш ҳақида қайғуради. Ҳўш, нега ишчи саккиз соат тик оёқда туриб ишлашни уяқ? Бу савол кўпчиликни ўйлантириб келди ва нихоят ташаббускор комсомоллар томонидан ҳал этилди. Ҳар бир қозонча қаршишга стул ўрнатилди. Энди бемалол ўтириб ҳар қандай вазифани бажариш мумкин.

Қорхонада Зулфиянинг тенгдошлари қўп. Улар ҳар қандай топшириқни бемалол удралай олишади. Чунки ёш комсомоллар астойдил жаам этишса ҳар қандай ишни бажариши мумкин. Зулфия буни яқин билади. Шунинг учун ҳам унинг ўзи ибрат кўрсатиб ишлайди.

М. ОРИПОВ.

Пахтакорга мадакормиз



«Оқ олтин»— Ватанга

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 5 октябрга бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)		
Хоразм	1,90	77,72
Тошкент	4,18	68,20
Қашқадарё	2,39	62,95
ҚҚАССР	2,78	54,36
Фарғона	2,41	53,51
Сурхондарё	2,61	52,64
Наманган	2,46	52,43
Бухоро	3,13	50,28
Анджикон	1,62	45,18
Сирдарё	4,22	43,72
Самарқанд	2,61	28,40
Республика бўйича:	2,80	51,91

Сўнги соатда

ТАСС ХАВАРЛАРИ ВА МАРКАЗИЙ МАТВУОТ САҲИФАЛАРИДАН

© ВАШИНГТОН. Америка конгресси сенатининг мажли-

си «Биз уй-жой талаб қиля-миз» деган хитоблар билан бўлиниб турди. Бир неча киши қабулга келадиган кишилар турадиган жойда сенаторларнинг Америкадаги бошпанасизлар муаммоларини ҳал этишдаги фаолият-сизлиги қарши норозилик намоийсини ўтказдилар. Улар бошпана учун ҳақ тўлашга

қодир бўлмаган кишиларга уй-жой қуриш учун маблағ ажратишга конгресс инқоёт жиддий ёндашшини талаб қилувчи шорларини баралла тақдорладилар.

© АДДИС-АБЕБА. Ер юзидаги экин экиш учун яроқли бўлган барча ерларнинг сап-кам 20 проценти ва жаҳон эҳолиснинг атиги 9 процен-

ти Африкададир. Бу қитъа-нинг ўзини ўзи озик-овқат билан таъминлашға эришиши учун реал истиқболлар вужуд-га келтиради. © Африкада экинлар ҳосилдорлигини ошириш муаммоларига ба-ғишланиб Аддис-Абебада очилган семинарда ана шун-дай хулосаға келинди. Айни

вақтда қитъадаги уч мил-лиард гектар экин майдонидан бугунги кунда атиги 181 миллион гектарига экин экил-моқда, дейишди учрашув қат-нашчилари.

© ПАРИЖ. Францияда кат-талиги жихатидан иккинчи ўрнида турадиган Марсель шаҳрининг савдо портида ке-валардан юк тушириш тўхта-

тиб қўйилди. Мамлакатдаги энг катта касабга союз бир-лашмаси — Умуммеҳнат ком-федерациясининг давлатга би-нован марселик докерлар 24 соатлик забастовка ўтказ-дилар. Соҳилларга соқиллар қўйилди. Иш ташловчилар маъмуриятдан иш билан таъ-минланмишға нафолат бериш-ни ва меҳнат шароитини

яхшилашни талаб қилдилар.





Марина Хайбуллоева (чапда) билан Надежда Сатторовалар маҳсулот сифати учун масъулдорлар. Улар «Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси техника

назорати бўлимида ишлашади. Сифатсиз маҳсулотларга мутлақо чек қўйишда уларнинг хизматлари катта бўлади.

Т. Каримов фотоси.

Манзил яқин бўлади

Беруний проспектининг йўналишида кўп қаватли бинолар ёнида атрофи темир-бетон деворлар билан ўралган жойга дуч келасиз. Деворларга қўйилган «М» белгисиз бу ерда метронинг навбатдаги қурилиши давом этаётганлигидан далолат беради. Метросозларнинг иши билан танишиш мақсадида участкага кириб бордик. Ишнинг айтиш қизғин пайти экан. Машинада келтирилган темир-бетон буюмларни минорали кран пастта узатади, бир томонда тупроқ ортилган самосваллар юзорида ўрмалайди. Яна бир томонда электр пайванд чирсиллайди. Меҳнат жараёнини кузатиб турган эдик, ўзини участка бошлиғи деб таништирган йигит бизга пешвоз келди.

Ишчи ўтган йил ноябрда ойда бошлаган эдик, деди участка бошлиғи Павел Михайлович Гольденберг, — беш миллион сўмликдан ортиқ қурилиш-монтаж ишларини бажаришимиз керак. Ҳозиргача бир миллион сўмлик иш бажарилибди. Участкамизда Ленин ва Меҳнат Қизил Байроқ орденлари кавалери Георгий Борисович Люстер бошчилигидаги комплекс бригада метросозлари меҳнат қилишляпти. Гапнинг очиги, ишимиз энди юришляпти. Сабаби, сизот сувлар кўп вақт ишнинг белгига тегибди. Графикка яқинлашиб қолдик. Ишчиларнинг кайфияти яхши, албатта ўзиб кетамиз.

Меҳнат жараёни билан яқиндан танишиш учун ишчилар ёнига юрдик.

Станциянинг бошланғич қисmini қурашмиз, —

сўзида давом этди участка бошлиғи, — атрофимиз кўп қаватли иморатлар билан ўралган, шунингдек, шаҳарнинг энг серкатнов кўчасида бўлгани учун, нафақат, Тошкент, балки Иттифоқи метро-созлигида янгилик бўлган қулай бир усулни қўллашмиз. Қазиланган чуқурликларнинг деворлари қурилиш ишлари тугагунча маҳсул пилталар билан қопланади. Бу бир томондан техника хавфсизлигига кафолат беради, иккинчи томондан чуқурда беамал ишлаш имонини беради. Пилталар деворга маҳкамлаш учун ГДРда ишлаб чиқарилган «Фауер» машинасида фойдаланамиз. Асосий ишлар тугагандан кейин пилталар яна йингиб олинади.

Бу усул қўшимча ишчи кучи, маблағ талаб этмайдими?

Пилталарни ўрнатиш бригадаси аъзоларининг ўзлари бажаришади, маҳкамлаш эса механизация бошқармаси ўз зиммасига олган. Маблағ умумий сметага киритилган. Мўҳими, бу иш кўп вақт талаб этмайди, хавфсизликка тўла қафолат беради.

Электр пайвандовчилар ёнига яқинлашдик.

Таърибли илгор ишчиларимиздан, — дея таъкидлади П. Гольденберг қорачадан келган йигитни кўрсатиб, — Қўбил Фафуров ўзаро социалистик муносабатда доимо олдинги сафда.

Метро қурилишида 11 йилдан бери ишлаялган, — деди у, — бу мен учун олтинчи станция. Метросозлар қаторида меҳнат қилиб элга


танилаётганимдан беҳад қувонаман. Партиямиз илгари сурган қайта қуриш сисэати, ошқоралик, демократия ишимиздаги камчиликларни очиб ташлаш ва олдин олишда мўҳим роль ўйналяпти. Илгари мажлисларда метро қурилиши бошқариш нима, деса, қонунай қабул қилинади, ишчиларнинг фикр-мулоҳазаси билан деярли ҳеч ким қизиқмасди.

Бирор бошлиқнинг қимлигини айтсанг, маломатта қолардинг, — деди суҳбатга қўшилиб бригада аъзоси Анатолий Цой, — материал тақчиллигидан қўллаб бекоҳ ўтирардик, лекин бошқариш юқоридагиларга иш жойида, график бажариляпти дейишардик. Энди бизнинг фикримизга қўлоқ солишляпти. Ҳозирги кунда цемент, арматура, битум етишмяяпти. Ваҳоланки, бу материаллар кундалик юмушларимизнинг асосини ташкил этади. Меҳнат интнзими ҳақида кўп гапиришляпти, меҳнат фронтини яратиш ҳам интнзом-ку.

Курувчиларнинг бу фикри ўз бурчи, вазифасига масъуляти ҳисси қўйганлигидан далолатларди. Комплекс бригадада 60 дан ортиқ киши меҳнат қилляпти. Турли миллат вакилларидан иборат коллективдаги ишчанлик, умумманфаат йўлидаги фидокорона меҳнат эртага бутунгидан умумлорқ ишлашга омил бўляпти.

«Ташмострой» трестининг 2-қурилиш-монтаж бошқармасининг 3-участкаси метросозлари бунёд этаётган бу станция «Тинчлик» номи билан аталади.

С. ШАМСИДИНОВ.



В. Миленький фотоси. УЗАГА фотохроникаси.

Шаҳримизнинг Сергел районига жойлашган «Комфорт» мебел ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи ўн иккинчи беш йиллик мобайнида тўла ассортиментда маҳсулот бериш бўйича планларини мунтазам бажариш, ошсона мебеллари туркуми кенгитиб жавонлари ва бошқа сифатли мебеллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш. «Н» индекс билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот салмоғини 30 процентдан 50 процента етказиш мажбуриятини олган эдик.

Мебелсозлар 1988 йилнинг 1 январидан тўхналик ҳисоби асосида ишлаб бошладилар. Янги метод «Янгилик» индекси билан пландан ташқари кўп-лаб маҳсулот тайёрлаш имконини берди. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳам ошди.

Мебелсозларнинг юксак мажбуриятлари амалий иш билан мустақамланмоқда. Бирлашма бош экономисти М. Усмонов билан суҳбат ҳам ана шунга қандай эришляётгани ҳақида борди.

— Корхонамиз маҳсулоти сифати ҳақида гапириб ўтирмаймиз. Бунинг учун исталган савдо шаҳобчасига кириб харидорларнинг талаби ўрганилса бас — ҳамма нарса билинади. Бирлашмамиз ёрлиғи туширилган маҳсулотларга йил сайин эҳтиёж ортиб борапти. Республикаимизнинг деярли ҳамма жойида мебелсозларимиз тайёрлаган буюмлар севиб харид қилинаптир. Бу қувончли ҳол, албатта. Қаердаки ҳаракат, ўз иши учун фидойилик кучли бўлса, ютуқлар ҳам мустақамланиб бораверади.

Корхонамизда янгиликка интилишнинг илк ҳаракатлари анча бераётган бўшланди. Ҳали тўхналик ҳисоби кўнча кирмасидан иқтисодий экспериментда иш бошланди. Шаҳримиздаги бир неча саноат корхоналари қаторида ўзини-ўзи бошқариш ва ўз ҳаракатларини ўзи қоплаш шартинида ишлашга ўтдик. Таърибадан қўзланган мақсадлар бу ишга қўл урилган 1987 йилнинг ўзидаёқ яхши натижа бера бошладик.

Социал соҳага берилаётган мўҳим эътибор унумли меҳнатга асос бўлди. Инсон омилини активлаштириш ва феолаштиришга бўлган талабни кучайтирдик. Бу билан боғлиқ бўлган ишларни кенгайтиришга зарур

Инсон омилига мўҳим эътибор

эътибор жалб этилди. Цехлар, участкаларнинг ўзидеги шартини яхшилаш ва бугунги кун талаби даражасига кўтаришни ҳам биринчи галдаги вазифамизга айлантирдик.

Қолганлари ишчи ва хизматчиларнинг ўзларига боғлиқ эди. Улар янги усулни кенг қарор топтиришга алоҳида шикоят билан киришдилар. Ўзларининг меҳнатдаги ташаббуслари ва фидокорликлари билан ютуқларимизнинг мустақамланиб боришига ўзларининг улушларини қўшдилар.

Қисқа қилиб айтганда, ўтган икки йил мобайнида бирлашмамизнинг ўзини-ўзи бошқариш механизми такомиллашди. Хўжалик юрйтишнинг

янги имкониятлари юзга келди. Бу эса ўз-ўзидан ишлаб чиқаришнинг иқтисодий ривожланишига янги имкониятлар берди, корхонамизнинг иқтисодий имкониятлари анча кенгайди. Олинган фойда ҳисобиغا Сергел — 3 массивида 30 квартираларни қуришнинг бошланғич бажаришлари қилинган. Янги бу ишни ҳам ўзини амалга оширялтирди.

Янги техника билан ишлаб чиқариш участкаларини жиқозлаштириш-

Савдо шаҳобчаси билан ташқари алоқани мустақамлаш ва жойларда истеъмолчиларнинг талабларини кенг ўрганиб бориш бунга имкон яратди. Харидорнинг талаби — ҳар домни ҳақли талаб. Уларнинг эҳтиёжларини мунтазам ўрганиб бориб, маҳсулотларнинг янги моделлари устида тинимсиз изланаялтирди. Чунки бирлашмамиз асосан ошсона мебеллари тайёрляпти. Унингизга маълум, ошоналар ҳаммаси ҳам бир формада эмас. Шунинг учун янги квартиралар ошоналарига мўлжаллаб тайёрланиши керак. Қолаверса, термалардан ортиқча предметири қисқартиришга ҳаракат қилаёламиз. Бу эса маҳсулотларимизни ихчамлаштириб, харидорларини охирироқ қилиб беради.

Аммо бу халқ ҳамма нарса бирдек қатаепти, деган гап эмас.

Ҳозирги муаммо — олинган фойда ҳисобида капитал қурилиш қай тарзда амалга ошириш билан боғлиқ. Маблағ ҳам, шу ишлар учун ҳаракат ҳам етарли. Қуришни ҳам ўзини олиб борамиз. Лекин қурилиш материаллари муаммосини ҳал этиш жуда қийинчилик билан кечяпти. Бу иш жуда секинлик билан амалга ошляпти. У жадаллаштириш ва қайта қуриш, шунингдек хўжалик ҳисоби методи талабларига жавоб бериляпти.

Муаммолардан қўйиб, ишчи ўз ҳолига ташлаб қўйганимиз йўқ. Имкониятларимиз даражасида меҳнат қилаёламиз. Камчиликларга қарши курашлялмиз. Хўжалик ҳисобининг фойдаси салмоқли бўляпти. Меҳнат коллективининг ўзини-ўзи бошқариш, ҳар ким ўз корхонасининг хўжайини бўлиши ҳозирдаёқ ўз меъясини бераётгани қувончлидир.

Суҳбатни Д. ОБЛАЕВ ёзиб олди.

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

ТАСС ВА «ОҚШОМ» МУХБАРЛАРИ ЕЗАДИЛАР

ПХР МЕХНАТКАШЛАРИ СОВЕТ ИТТИФОҚИ ЖАНУБИДА ДАМ ОЛАДИЛАР

ВАРШАВА. Жануб офтобиде бирор қорайган кўнгида польшалар билан таъриф қилинган «Иттифоқидан уйга қайтдилар. «Б» мал масъулин мамлакатимиздаги Қора денгиз курортларида ўтказиш имкониятини уларга «Польшанинг «Орбис» ва «Калинка» туристик бюрolari билан шартнома тузган Аэро-флот ҳамда Интурист яратиб берди. Шунга биноан Польша отпускчиларининг дастлабки

группалари Варшавадан Со-чига, Симферополга ва Одессага жўнадилар. Хар ҳафтанинг туртинчи кунинда совет аэро-компаниясининг ҳаво кемалари шартномага биноан поляк меҳнаткашларини СССРнинг қасаба союзи шифоналарига олиб келди. Уларда йил охиригача ПХРдан келган 12 минг меҳмон ҳордиқ чиқаради, даволанади ва совет воқелиги билан танишади.

ХХР ҲУКУМАТИНИНГ ЧОРАЛАРИ

ПЕКИН. Хитойнинг ҳукумат муассасалари ва идоралари, институтлар, харбий ташкилотлар, шунингдек давлат ва кол-лектив корхоналарига эндиликда нақд пул ҳисобига базис қимматбаҳо саноат товарларини сотиб олишга рухсат берилляпти. ХХР Давлат Кенгашининг бу ерда эълон қилинган муваққат қондларига мувофиқ, автомобиллар, рангли телевизорлар, видеомагнитофонлар, бир қанча бошқа майиш электрон аппаратлари ана шундай товарлар қаторига киреми.

Матбуотнинг далолат бери-

шича, «давлат ҳисобида истеъмолчи авж олдириш» муаммоси Хитой учун янгилик эмас. Масалан, сўнгги беш йил ичида муассасалар ва идоралар харид қилган товарлар ҳажми-нинг йиллик ўсиши мамлакатда энгил саноат ривожланишидан ва миллий даромад ўсишидан анча илдамлаб кетди ва 1977 процентни ташкил этади. Шу йилнинг дастлабки етти ойида ташкилотлар ва корхоналар истеъмол товарлари харид қилишга 36,8 миллиард юан сарфладилар. Бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан деярли 20 процент кўп-ди.

ЖАЛОБОДГА РАКЕТА ОТИЛДИ

КОБУЛ. Мурасиз оп-позиция тинч аҳолига қарши яна бир ваҳ-шана жиноят қилди. Экстремистлар «Ер-Ер» классидаги ракеталар билан Нангархор вилоятининг маъмурий маркази — Жалобод шаҳрини ўққа тутдилар. 15 та ракета шаҳар-нинг аҳоли зич жойлашган кварталларида портлади, нати-жада беш киши ҳалок бўлди ва ўн етти киши жараҳатланди. Жабрланганлар орасида аёллар ва болалар бор.

Қуролли кучларнинг бўли-

малари мамлакатнинг бир қанча районларини қуролли оп-позиция отрядларидан тозалаш юзасидан ўтказилляётган опе-рацияларни давом эттирмоқда. Забул, Кандаҳар ва Гилманд вилоятларида 59 экстремист ак-сон этилди ва 30 нафардан кўпроги ярадор қилинди. Кўп миқдорда қурол-яроғ ва ўқ-дорн ўлжа олинди.

Яқинбада куни Эрондан Хи-рот вилоятига 280 дан ортиқ киши қайтиб келди. Маҳаллий ҳокимият ватанга қайтиб кел-ганларга зарур ёрдам кўрсат-ди.

САЛЬВАДОР РЕЖИМИ АРМИЯСИ ТАЛАФОТ БЕРЯПТИ

МЕХИКО. Ахборот агент-ликларининг Сальвадордан хабар беришича Дуэр-те тузуми ўз қўшнларининг исёнчилар билан бўлаётган жангларда катта талафот бераётганини тан олди. Мамла-кат пойтахти Сан-Сальвадорда сентябрда ойи учун эълон қилинган якуний харбий маълумотда айтилишича, шу давр мобайнида икки юздан зиёд солдат ҳамда офицер ўлдир-илди ва ярадор қилинди. Маъмурилар ватанпарварлар-

нинг муваффақиятли жанговар операциялари қаторида Сара-бундо Марти номидаги миллий озодлик fronti жангчиларининг Морасан департаменти-даги «Хутепеке» харбий ба-засига қилган жасурана ҳужу-мини, шунингдек Чалатенанго департаментидаги «Эль-Пара-исо» йирик армия гарнизони-га қилган штурминин, бунинг натижасида қотилларнинг бу мўҳим стратегик плацдарми вайрон бўлганини санаб ўтиш-га мажбур бўлдилар.

КАРОЧИ ВА ҲАЙДАРОБОДДАГИ ТЎҚНАШУВЛАР

ИСЛОМОБОД. Покистон пре-зидентни Фулом Исқохон шоши-лиқ равишда мамлакатнинг турли этник жамоалари ўрта-сида қонли тўқнашув давом этаётган энг катта шаҳри — Карочига жўнаб кетди. Камиде 250 киши шу тўқнашувлар-да ҳалок бўлди.

Бундан уч кун олдин Ҳай-дарободда бошланган ва Ка-рочиға ҳам тарқалган этник негиздаги ғалаёнлар Поки-стон маъмуриларини жиддий

ташвишга солмоқда. Матбуотнинг хабар қили-шича, комендантлик соати жо-рий этилганига ҳамда армия ва полициянинг қўшимча бў-ликлари шаҳарга келтирили-шига қарамай, аҳолининг бир-бирига душман гуруҳла-ри ўртасида тўқнашувлар кеча-кун бўйи давом этади. Бу тўқ-нашувлар натижасида Карочиде 12 киши, Ҳайдарободда тўрт киши нобуд бўлди, ўнаб одам ярадор бўлди.

ВЕНАДА НАВБАТДАГИ МАСЛАҲАТЛАШУВ

ВЕНА. Бу ерда Варшава шарт-номасида қатнашувчи давлат-лар ва НАТО вакилларининг Атлантикадан Уралгача Ев-ропада қуролли кучлар ва од-

дий қурол-яроғларни қисқар-тириш тўғрисида бўлажак му-зокараларнинг мандатини иш-лаб чиқиш юзасидан масла-ҳатлашув доирасида навбатда-ги учрашуви бўлди.

СИФАТЛИ ВА ЧИРОЙЛИ ГАЗЛАМАЛАР

ХАНОЙ. Хошиминдаги Тханьконг тўқимачилик фаб-рикаси тамғаси билан чиқа-ётган сифатли ва чиройли газламалар Вьетнам мага-зинлари пештахталарида ту-риб қолмайди. Бошқа корхо-наларнинг ана шундай маҳ-сулотларига нисбатан бу газ-ламаларнинг баҳоси анча юқори бўлса-да, лекин улар-га мамлакат аҳолисининг эҳ-тиёжи доимо ошиб бормоқда. Чет истеъмолчиларнинг та-лабига кўра уларни экспорт-га жўнатиш йил сайин орт-моқда.

Комбинат бу қадар муваф-фақиятли ишлаётганлигининг «сири» оддий — 1980 йил-да комбинатда жорий этил-ган хўжалик ҳисоби ижодий изланиш, коллективнинг омилкорлигини ривожлан-тириш учун кенг йўл очди, коллективга ўз меҳнатини ишнинг пировард натижа-ларига қараб ўлчашини ўргатди.

БЕГЕМОТЛАР АЙВОРМИ?

Мозамбик, Танзания ва Малави оралиғида жой-лашган Ньяса қўлининг бир сири бор. Қўлдаги сувнинг сатҳи вақти-вақ-ти билан ўзгариб туради. Қўтариллиш ва пасайиш гоҳида 6 метрга бориб етади. Шу муносабат бил-ан сув сатҳининг қўта-рилиб-пасайишга сув ост-и оқимлари мавжуд, қў-шнинг ақимининг таъсир-этади, маълумияти тур-ли тахминлар илгари су-рилган эди. Яқинда сув сатҳининг қўтариллишига беғомотлар сабаб, де-ган яна бир тахмин илгари сурилди. Ана шу тах-минга кўра, баҳайбат хай-воиларнинг катта тўла-лар қўлнинг жанубий қис-мини қўлларданга, қўлнинг шимолий қисмида сув сат-ҳи кескин қўтарилди. Аммо мутахассислар бу ҳудудани синчилаб тек-шириш керак, деб ҳисоб-ламоқдалар.

ШИПДАГИ ЮЛДУЗЛИ ОСМОН

Салбий руҳий кечинма-лардан форн бўлиш учун юлдузли осмонни бир не-ча минут мобайнида куза-тишининг ўзи кифоя, деб тасдиқлашда психолог-лар. Америкалик олим-лар бу тахминнинг тўғри-

КАЛЕЙДОСКОП

лигини текшириш учун мўъжазгина аппарат кон-струкциясини яратдилар. Ана шу аппарат ёрдами-да ўз уйинининг ишпи-да ёни деворида юлдуз-лар чарақлаб турган ос-моннинг турли манзар-ларини ҳосил қилиш мум-кин. «Хонаки планета-рий»ни сотиб олган ки-шилар ўзинини бирмун-ча яхши ҳис этадиган бў-либ қолдик, тез ухляя-миз, яхши тушлар кура-ямиз, деб ҳисоблашмоқ-да.

МИТТИ АСАЛАРИ УЯСИ

ГФРда истиқомат қи-лувчи сават асосчи уста Вальдемар Бокерт асала-риларнинг маҳаққати меҳнатини енгиллашти-ришга қарор қилди. У уя-нинг сават қурилишидаги янги моделини ясади. Енгил ва қулай митти са-ватча асалариларнинг вақтин тежайди — улар ўлжаларини боғ ва гул-зорлардаги уларига ти-нимсиз ташинмай, саватча-га тўпалаверади. Са-ватча-уя Гинеснинг ре-кордлар китобиға қайд этилган сўнгги янгилик бўлди. Саватчанинг диа-метри 8 миллиметр, ба-ландлиги 12 миллиметр.



Муҳаббатдир ҳаёт гултожи

Еш келин-куёв тўйда
кейинги кунларни Греция
нинг Родос оролида ўтка
зишга қарор қилишди.
Улар келин-куёвликнинг то
ли онларини кўнгилдагиде




Учрашув.

Махмуда УМАРОВА.



М. СУЛАЙМОНОВ.

илмий ходими, биология фан-
лари кандидати.



Зулфия МИРЗАЕВА.

рати).

М. СУЛАЙМОНОВ.

Т. ЕДГОРОВ,
Урта Осиё зоология ва паразитология институтининг катта илмий ходими, биология фанлари кандидати.

